Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 183 (8173).

27 сентябрь
сешанба
1983 йил

Баҳоси 3 тийин

*Кеча Тошкентда, В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройида икки қитъа мамлакатлари адибларининг VII конференцияси очилди.*

# ТИНЧЛИК, ДЎСТЛИК, ИНСОНПАРВАРЛИК ИДЕАЛЛАРИНИ ҚАРОР ТОПТИРАЙЛИК



Осиё ва Африка ёзувчилари VII конференциясининг очилиши. Суратда: конференция президиуми.

В. Молгачев, Л. Гусейнов ва С. Маҳкамов фотоси.

## ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ VII КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари Уюшмасининг 25 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳрида йиғилган шу ташкилот VII конференциясининг қатнашчиларини самимий табриклайман.

Ўтган чорак аср мобайнида Осиё ва Африкада катта ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Империалистик мустамлакачилик системасининг харобаларида мустақил давлатлар вужудга келди, бу давлатлар жаҳон сиёсатида тобора сезиларли роль ўйнамоқдалар.

Совет Иттифоқидагилар Уюшмангизнинг фаолиятини, унинг миллий ва социал озодлик, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамжиҳатлик йўлида тараққийпарвар кучлар олиб бораётган муштарак курашга қўшаётган ҳиссасини биладилар ва юксак қадрлайдилар. Осиё ва Африка ёзувчиларининг бадиий асарлари меҳнаткашлар онгини уйғотишга, уларнинг интернационал бирдамлигини мустаҳкамлашга актив ёрдам бермоқда.

Сизларнинг конференциянгиз империализмнинг айби билан халқаро вазият жуда ҳам кескинлашган, ядро ҳалокати хавфи кучайган ниҳоятда мураккаб ва қийин бир пайтда ўтмоқда. АҚШ ва НАТОнинг интенсивлиги жиҳатидан мислсиз ҳарбий тайёргарликлари билан бир вақтда тинчлик, демократия ва миллий мустақиллик кучларига қарши ҳужумлар қилинмоқда, Осиё, Африка, Лотин Америкаси халқларига нисбатан яна «катта тўқмоқ» сиёсати кўтариб чиқилмоқда. Шу боисдан ҳам бугунги кунда инсоният учун ядро урушининг олдини олишдан, бемаъни қуролланиш пойгасини жиловлашдан, империализмнинг агрессив муддаолари йўлига ғов солишдан кўра муҳимроқ ва масъулиятлироқ вазифа йўқ.

Биз шунга асосланамизки, холис ниятли кишиларнинг умумий куч-ғайратлари билан тинчликни қаттиқ туриб сақлаб қолиш ва ҳозирги замон цивилизациясининг ресурсларини миллионлаб кишиларнинг энг муҳим эҳтиёжларини қондиришга, мустамлакачилик ўтмишининг шармандали оқибатларини тугатишга сарфлаш мумкин. Гражданлик бурчи ёзувчидан мана шу юксак мақсадларни амалга ошириш учун курашда актив иштирок этишни талаб қилади. Аминманки, халқлар тинчлиги, тараққиёти билан мустақиллиги йўлидаги кураш масалалари сизларнинг конференциянгизнинг ҳам диққат марказида бўлади, сизларнинг ёзувчилик талантингиз бундан буён ҳам инсониятнинг олижаноб идеалларига хизмат қилаверади.

Сизларга жамоат фаолиятида ва адабий-ижодий фаолиятда катта-катта муваффақиятлар, шахсий бахт-саодат тилайман.

**Ю. АНДРОПОВ.**

## ТОШКЕНТДА ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЁЗУВЧИЛАРИ VII КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ

**Кўпгина мамлакатларнинг ранг-баранг миллий байроқлари Ўзбекистон пойтахтининг байрам либосига қўшилиб кетди: тинчлик, халқлар дўстлиги идеалларини қадрлаётган Осиё ва Африка адиблари яна шу ерда йиғилдилар. Улар шонли санани — икки қитъа ёзувчилари биринчи Тошкент анжуманининг 25 йиллигини нишонлаш, ҳозирги замон адабий жараёнининг энг муҳим проблемаларини биргаликда муҳокама қилиш, ўз халқлари ўй-фикр ва орзу-умидларининг чинакам ифодачилари бўлган миллий маданиятларнинг атоқли арбобларини жипслаштирган Африка — Осиё ёзувчилар ҳаракатини янада ривожлантириш йўлларини белгилаб олиш учун денгизлар, тоғлар оша етиб келдилар.**

26 сентябрь куни мана шу мўътабар халқаро анжуман қатнашчилари В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройига йиғилдилар. Залда чет эллик ва совет таниқли адиблари билан бирга Тошкент меҳнат коллективларининг вакиллари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари бор эдилар.

Конференция ташкилот комитетининг раиси, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Г. М. Марков Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг VII конференциясини очади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** йиғилиш аҳлига мурожаат этиб, нутқ сўзлайди. Залдагилар Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг VII конференциясига КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Юрий Владимирович Андропов йўллаган табрикномани узоқ давом этган қарсаклар билан кутиб оладилар.

**(Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг табрикномаси ва ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг нутқи газетанинг биринчи ва иккинчи бетларида эълон қилинмоқда).**

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари **Г. М. Марков** сўзга чиқади. Бизнинг конференциямиз, деди у, юбилей конференциядир. У адибларнинг 1958 йил кузида бўлиб ўтган биринчи мўътабар учрашувидан кейин йигирма беш йилдан сўнг ўтказилмоқда. Конференция куни кеча ўзининг икки минг йиллигини нишонлаган худди шу қаҳрамонона Тошкент шаҳрида, Осиё ва Африка илғор ёзувчиларининг бирлиги бутун бир ижтимоий ҳаракатга айланган, ана шу ёзувчилар мунтазам учрашувларининг шонли анъанаси вужудга келган худди шу серқуёш, бахтиёр Ўзбекистон диёрида ўтмоқда.

**(Давоми иккинчи бетда).**

## *Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқи*

Азиз дўстлар! Ўртоқлар!

Ер юзидаги икки буюк қитъа халқлари озодлиги, тараққиёти ва тинчлиги байроқдорлари, шон-шарафи ва виждони бўлган муҳтарам меҳмонларимиз!

Бизнинг нуфузли конференциямиз номига КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Юрий Владимирович Андроповдан табрикнома келганлигини сизларга маълум қилиш менга жуда катта қувонч бахш этади.

**(Ш. Р. Рашидов узоқ давом этган қарсаклар остида ана шу табрикнома текстини ўқиб эшиттиради).**

Сизларнинг гулдурос қарсакларингизни, — дейди Ш. Р. Рашидов, — Африка — Осиё ёзувчилари уюшмасининг ҳамда унинг барча кўпдан кўп миллий отрядлари фаолиятига юксак баҳо берганлиги учун, уларнинг халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамжиҳатлик йўлидаги, ядро урушининг олдини олиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш, инсониятнинг олижаноб идеаллари йўлидаги, империализм ва ирқчиликка қарши муқаддас жангида эзгу ва самимий истаклар билдирганлиги учун Коммунистлар шонли ленинчи партияси билан Совет давлатининг раҳбари Юрий Владимирович Андроповга изҳор этилган астойдил миннатдорчилик белгиси, деб ҳисоблашга ижозат этгайсиз!

Дўстлар!

Бундан чорак аср муқаддам кузнинг худди шундай очиқ кунларида Совет Ўзбекистонининг пойтахти — Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг биринчи, таъсис конференцияси очилган эди. Ана шу конференция планетадаги икки буюк қитъа илғор адибларини ташкилий ва ижодий жиҳатдан жипслаштиришга асос солди. Барча қитъаларга парвоз қилган, дунёдаги ҳамма тараққийпарвар санъаткорларнинг қалбларига жо бўлган қуйидаги сўзлар айни шу ерда, биринчи Тошкент конференциясининг юксак минбаридан янграган эди:

«Биз ўз ўртамизда адоват уруғини сочишга ва сафларимизни бузишга уринаётган империалистлар билан мустамлакачиларни йўлимиздан улоқтириб ташлаймиз, биз ўзимизнинг бирлигимизни, муштарак идеалларимиз ва муштарак орзу-умидларимизни тасдиқлаймиз. Биз сизларни, бутун дунё ёзувчиларини айрим кишиларга нисбатан ҳам, шунингдек бутун-бутун халқларга нисбатан ҳам қилинаётган барча қабиҳликларга қарши, адолатсизликка, мустамлакачилик ва эксплуатацияга қарши баралла овоз билан курашишга даъват этамиз...

Биз, ёзувчилар, — халқларнинг виждонимиз. Замондошларимизнинггина эмас, шу билан бирга келгуси авлодларнинг ҳам тақдири учун масъулият бизнинг зиммамиздадир.

Биз сизларни халқ турмуши билан боғлиқ бўлган ҳамда ақл-идрок ғалабаси ва Ер юзида адолат тантанаси учун курашда халққа ёрдам қила оладиган адабиётни яратишимизга имкон берадиган ҳақиқатни, гўзаллик ва эркинликни қидиришда биз билан бирга олға боришга даъват этамиз».

Тошкент руҳи — ер юзидаги икки буюк қитъа илғор ёзувчиларининг дўстлиги ва қардошлиги руҳи, замондошларнинг адабий ҳаракатидаги интернационализм ва демократия руҳи шундай вужудга келган эди. Янги тарихий шароитларда санъаткорнинг халқ ишига, инсонпарварлик ва озодлик идеалларига содиқлиги тўғрисидаги энг асосий фикр ана шундай ифода этилган эди. Африка-Осиё ёзувчиларининг қудратли ҳаракатига шундай асос солинган эди.

Йигирма беш йил муқаддам биз Тошкентда ўзимизнинг таъсис конференциямизга йиғилганимизда Африка — Осиё ёзувчилари ҳаракати улкан ва шонли истиқболга эга эканлигига ишонган эдик. Бугун биз ўз юбилейимизни нишонлар эканмиз: дарҳақиқат биз улкан истиқболга эгамиз. Лекин биз шонли ўтмишга ҳам эгамиз — бизнинг ижодий ютуқларимиз, ғоявий душманга қарши курашдаги муваффақиятларимиз, ҳар томонлама ҳамкорликнинг бой тажрибаси бор, деб тўла ҳуқуқ билан айта оламиз.

Чорак аср муқаддам вужудга келган Тошкент руҳи баракали самаралар берди. Бу руҳ тинчликка, халқлар ўртасида дўстлик ва бирликка, мамлакатлар ҳамда қитъаларнинг озодлиги ва равнақи учун курашга даъват этувчи, юксак пафос билан суғорилган ажойиб дил шеърларида ва поэмаларда, романлар ва ҳикояларда, пьесалар ва мақолаларда моддий ифодасини топди.

Нуфузли конференцияларимиз ўтказилган жойлар— Қоҳира ва Байрут, Деҳли, Олмаота ва Луанда Африка ва Осиё ёзувчилари ҳаракати тарихидаги катта босқичлар бўлиб қолди. Шу муносабат билан 1976 йилнинг кузини ҳам эслаш жоиздир. Ўшанда Осиё ва Африка ёш ёзувчиларининг биринчи учрашуви Тошкентнинг порлоқ юлдузлари остида ўтган эди. Келажак ана шу талантли, гражданлик жиҳатдан актив санъаткорларники бўлиб, бизнинг умидларимиз ҳам уларнинг ижодиёти билан боғлиқдир!

Африка-Осиё ёзувчилари уюшмасининг ташкилий ва ижодий фаолияти кўп қиррали ва баракали бўлиб, жуда катта аҳамиятга эгадир. Миллий маданиятларнинг ўнлаб мусаффо чашмаси кенг ва лиммо-лим интернационал оқимга бирлашди. Бинобарин, ҳозирги дунёда ўз кўламлари, географик қамрови, сиёсий, фалсафий, эстетик ва ахлоқ принципларининг аҳамияти жиҳатидан Африка ва Осиё ёзувчиларининг ҳаракати билан рақобатчилик қила оладиган ёки у билан тенг кела оладиган ижодий бирлашма, иттифоқ ёки клуб йўқ.

Бу ҳаракат заиф ривожланган мамлакатларда адабиётларнинг мустақил ривожланишини рағбатлантирди. Ҳаракат ёзувчиларни ғоят муҳим миллий ва умуминсоний проблемаларни ҳал қилишда қатнашишга жалб этди, миллатлараро маънавий ва ижодий алоқаларни мустаҳкамлашга ёрдам берди. Ҳаракат икки қитъа санъаткор зиёлиларининг барча илғор демократик кучларини мустамлакачиликка, империализмга, ирқчиликка, сионизм ва агрессияга қарши биргаликдаги кураш негизида жипслаштирди.

Африка-Осиё ёзувчилари ҳаракатида қатнашаётган ёзувчилар яратган китоблар ва пьесалар, фильмлар ва қўшиқлар доимий эстетик бойликларгина бўлиб қолмай, улар омманинг онгини уйғотадиган ва уни империализм, реакциянинг қора кучларига қарши, ирқий ҳамда миллий зулмнинг барча турлари ва формаларига қарши жангга уюштирадиган қудратли маънавий кучдир.

Дунёда содир бўлган прогрессив ўзгаришларда Африка-Осиё ёзувчиларининг роли ниҳоятда каттадир. Уларнинг ижодий ва ижтимоий куч-ғайратлари барча қитъалардаги халқ оммасининг революцион-демократик ва миллий озодлик ҳаракати билан уйғунлашиб кетди.

Биз Вьетнам халқининг америкалик агрессор устидан қозонган улуғ ғалабасига ўз ёзувчилик ҳиссамизни қўшдик деб, Ангола ва Мозамбикда, Эфиопия ва Кампучияда, Афғонистон ва Никарагуада халқ революцион кучларининг муваффақиятларига жуда бевосита дахлдормиз деб ҳисоблашга ҳақлимиз. Кейинги йилларда Осиё, Африкадаги кўпгина мамлакатларда ва бошқа мамлакатларда рўй берган катта тарихий силжишларга нисбатан ҳам илғор адибларнинг масъулиятли миссияси худди шундай яққол кўриниб турибди.

**(Давоми иккинчи бетда).**

## ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК МУҲИТИДА

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмасининг VII юбилей конференциясида қатнашиш учун Ўзбекистон пойтахтига келган Африка-Осиё ёзувчилари ҳаракатининг ветеранлари билан делегация раҳбарларини икки қитъа адиблари биринчи Тошкент анжуманининг раиси — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 26 сентябрь куни қабул қилди.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитида ўтган суҳбатда тинчлик, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш учун, термо-ядро уруши хавфининг олдини олиш учун курашда тараққийпарвар ижодкор зиёлиларни жипслаштириш муҳимлиги таъкидлаб ўтилди. Африка ва Осиё ёзувчиларининг чорак аср муқаддам Тошкентда вужудга келган ҳаракати мана шу олижаноб мақсадларга хизмат қилмоқда. Ўша пайтда асос солинган ва ифодали қилиб «Тошкент руҳи» деб аталган юксак озодлик ва инсонпарварлик идеалларини қарор топтириш йўлидаги ҳамкорлик анъаналари яшаб, янада ривожланиб келаётганлиги, турли қитъалардаги тобора кўп маданият арбобларини ўзига жазм этаётганлиги муҳимдир. Ҳозир, АҚШнинг эндиги маъмурияти бошчилик қилаётган империализмнинг реакцион кучлари халқаро кескинликни юмшатиш ишини ҳар қандай воситалар билан барбод этишга уринаётган бир пайтда бу ҳаракат алоҳида аҳамият касб этади.

Суҳбат чоғида Ш. Р. Рашидов партия XXVI съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май, ноябрь, 1983 йил июнь Пленумларида, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг докладлари ва нутқларида баён этилган вазифаларни амалга ошираётган Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари, зиёлиларининг бунёдкорлик ишлари ҳақида гапириб берди. Мамлакат экономикасининг таркибий қисми бўлмиш Ўзбекистон халқ хўжалиги комплекс равишда узлуксиз ривожланмоқда. Республиканинг муваффақиятлари — Коммунистик партия, бутун халқ баҳодирона ишларининг, ленинча миллий сиёсат тантанасининг натижасидир. Барча совет кишилари қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Коммунистик партия билан Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан астойдил қўллаб-қувватлайдилар, Ер юзида тинчликнинг ишончли таянчи — социалистик Ватан қудратини меҳнат жабҳасидаги муваффақиятлар билан оширишга интилаверадилар.

Осиё ва Африка ёзувчилари Уюшмасининг Бош секретари Алекс Ла Гума конференция қатнашчиларига кўрсатилган иззат-икром ва зўр эътибор учун Ўзбекистон раҳбарларига, барча меҳнаткашларига чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирди, адиблар Тошкент учрашувларининг яхши анъаналари бундан буён ҳам ривожланаверади, тинчлик, озодлик ва социал тараққиёт порлоқ идеалларини азиз билувчи барча ёзувчиларнинг мулки бўлиб қолади, деб ишонч билдирди.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, СССР Ёзувчилар союзининг биринчи секретари, Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари Уюшмаси VII конференцияси ташкилот комитетининг раиси Г. М. Марков, КПСС Марказий Комитети Маданият бўлими мудирининг ўринбосари А. А. Беляев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева, Осиё ва Африка ёзувчилари билан алоқа қилувчи Совет комитетининг раиси, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

